# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 15 июль, № 139 (5054) Пайшанба



UZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB... INV. №





***Бугун шаҳару қишлоқларимизга илғор техника ва технологиялар жадал кириб бормоқда. Бу юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб соҳалар қатори иқтисодиётни ҳам юқори суръатларда ривожлантириш имконини бераётир. Бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ва иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган бундай эътибор юрт эртаси, ёрқин келажаги учун ниҳоятда аҳамиятлидир.***

# МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

## корхонанинг иқтисодий юксалишида, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга



СУРАТДА: ишчилар Дилноза Шодиева ва Дилноза Мирубова.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

### Модернизация

Чунончи, кўплаб саноат корхоналари ана шундай қулай шарт-шароитлар туфайли тараққиётга юз тутиб, сифатли маҳсулотлари халқимизга манзур бўлмоқда.

Бу борада яримтайёр маҳсулотлар етказиб берувчи бизнес субъектларининг ҳам ўзига яраша ўрни бор. “Киндер Фрутс” масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан биридир. Унинг Ғазалкент, Каттақўрғон шаҳарларидаги филиалларида озиқ-овқат саноатида кенг қўлланиладиган, экологик жиҳатдан соф мева ва сабзавот, жумладан, олма, беҳи, ўрик, олхўри, шафтоли, сабзи, қовоқ пюреси, помидор

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб



## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***БУХОРО. Кир ювиш воситаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Бухоро — Баҳор” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ойига ўртача минг тонна маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.***

### Иш кўлами кенгайтирилди

Корхона маҳсулоти сифатлилиги боис ички бозорда аллақачон ўз харидорини топиб улгурди.

Буюртмачилар талабини ўрганиб чиққан соҳа мутахассислари яқинда Вобкент туманида қўшма корхона филиалини ташкил этди. Замонавий линия билан жиҳозланган ушбу филиалда 51 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ФАРҒОНА. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмаганлиги туфайли “Фарғона сунъий чарм заводи” акциядорлик жамияти банкротлик ёқасига келиб қолган эди.***

### «Сабо»нинг бежирим пойабзали

Корхонани молиявий соғломлаштириш мақсадида республика “Алоқабанк” акциядорлик-тижорат банки кўмакка келди. Ажратилган 1 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига акциядорлик жамияти негизида “Сабо” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Ҳозирги кунда бу ерда тайёрланаётган сифатли, бежирим ва пишиқ пойабзал маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Корхонада соф табиий теридан 50 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Бу ерда меҳнат қилаётган 70 нафар йигит-қизнинг изланиш ва интилишлари туфайли ҳар куни 300 жуфт пойабзал тайёрлашга эришилмоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Янгибозор туманилик Муқаддас Ваисова Чуболончи қишлоғида тикувчилик корхонасини ташкил этди.***

### Қишлоқда корхона очилди

Натижада қишлоқнинг 13 нафар тикувчиси доимий иш жойига эга бўлди. Ҳозир ушбу корхонада сифати ва дизайни хорижникидан қолишмайдиган бежирим кийим-кечаклар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, туманда фаолият юритаётган 2 минг 120 та тадбиркорлик субъекти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард сўмликка яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ЖИЗЗАХ шаҳрида нон ишлаб чиқарадиган янги корхона «Меҳржон» деб аталди. Бу бежиз эмас.***

### «Меҳржон»дан муносиб туҳфа

Корхона «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш лойиҳаси асосида БМТ Тараққиёт дастури гранти маблағи ҳисобига барпо этилди.

Бир кеча-кундузда 2,5 минг дона қолипли нон ишлаб чиқариш қувватига эга корхонага замонавий ускуналар ўрнатилган. Яна бир аҳамиятли жиҳати, бу ерда темир моддаси ва витаминлар билан етарли даражада бойитилган ундан нон тайёрланмоқда.

Корхонада 16 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Унинг иккинчи навбати ишга туширилиши билан яна 14 та иш ўрни яратилади.

**Т. БЕКНАЗАРОВ.**

### Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини, унинг самарадорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлашганини таъминлаш вазифаси белгиланган. Бунда, биринчи навбатда, замонавий ресурс ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан иқтисод қилиш тартибини қатъийлаштириш кўзда тутилмоқда.***

# ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ – ЮҚОРИ САМАРА ОМИЛИ

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, мазкур тармоқда энергия тежайдиган технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозир электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилаётир.

Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш ва илмий-техника салоҳиятига эга энергетика тармоғи иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Энергетика тармоғининг асосий стратегик вазифаси мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисини самарали, ишончли, сифатли энергия билан таъминлашдир. Шу боис иқтисодиётни зарур энергия қуввати билан таъминлаш биринчи даражали масала бўлиб, бу ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий электр техника ускуналари, янги технологиялар, ахборот-ўлчов техникасини жорий қилиш орқали энергияни тежаш чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва мавжуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни назарда тутадиган энергияни тежаш сиёсатини изчил амалга ошириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини беради.

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва Чехиянинг «Inecon Power-Sitronics» компаниялари консорциуми ўртасида Ўзбекистонда электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисида меморандум имзоланди. Корхоналар, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларга ушбу тизимни жорий этиш технологик йўқотишларни камайтириш, барча электр ресурсларини етказиб бериш тизими бўйича аниқ ҳисоб-китоб олиб боришни таъминлайди. Тизимнинг қулай ишлаш тартиби ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Лойиҳани бир йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 34,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур янгилик йилига 2,75 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тежаш ҳамда ҳар йили 1,9 миллион тонна буғхона газларини қисқартириш имконини беради. Тежалган энергия қиймати йилига 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Дастурни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаш режалаштирилмоқда. Электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган ҳисобга

(Давоми 2-бетда).

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Президентимизнинг жорий йил 9 июлдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони барчамизга кўтаринки кайфият ва қувонч бағишлади.**

Маълумки, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу галги тантаналарнинг “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” деган эзгу ғоя асосида ташкил этилаётгани ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Истиқлол шарофати билан юртимизда инсон манфаатлари, қадр-қиммати юксак даражада улуғланмоқда. Халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун барча имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Шунингдек, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётда ўз ифодасини топиб бормоқда. Давла-

### Дил сўзи

тимиз раҳбарининг ушбу Фармони ҳам бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Агар таъбир жоиз бўлса, у улуғ айём олдидан барчамиз учун аталган ўзига хос туҳфадир.

Албатта, одамларимизнинг эртанги кунини ўйлаб қилинаётган бундай саъй-ҳаракатлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Буларнинг барчаси халқининг осойишта ва фаровон ҳаётини ўзи учун саодат деб билган Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Кўпни кўрган кексаларимиз қўлларини дуога очганда, ҳамиша юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, омонликка кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз соғ-саломат бўлсинлар, дея ният қилишади. Биз ҳам ана шу тилакларга қўшиламиз. Барчамизнинг орзуимиз бир — Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнайверсин.

**Мастура АБДУВОҲИДОВА,**
**Бухоро шаҳридаги 35-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

# КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ АВЛОД

***Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбияга муносабат тубдан ўзгарди. Бу тизимда рўй бераётган ислоҳотлар бугун халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, эътироф этилмоқда. Бинобарин, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ҳар бир масканда қад ростлаб, фойдаланишга топширилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фахру ғуруримизга айланиб улгурди.***

### Миллий дастур ниҳоллари

Қолаверса, бундай ўқув масканлари бугун ён-атрофимизга кўрку чирой бағишлаб, кўзимизни қувнатишдан ташқари, ўқувчилар бу таълим кошоналарида камида икки-учта мутахассисликни эгалламоқдалар.

Энг асосийси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бугун давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий алоқасини таъминлашни тақозо этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги “Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида республикамизда йирик корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзоланган. Жорий ўқув йилида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жами 431706 нафар ўқувчи тамомлади. Шундан академик лицейларнинг 30742 нафар ва касб-ҳунар коллежларининг 400964 нафар битирувчиси ўқишни тугатганлик тўғрисида диплом эгалари бўлишди.

Эндиликда бугуннинг битирувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб имтиёзлар ҳам яратилмоқдаки, улар аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ўз натижасини бермоқда. Масалан, 2009/2010 ўқув йилида бир қатор касб-ҳунар коллежлари битирувчилари кредит маблағлари ҳисобига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдиришган. Жумладан, Сирдарё вилоятида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган 546 нафар битирувчининг 219 нафарига кредит олиш бўйича махсус сертификатлар топширилган. Наманган вилоятида эса ушбу фаолият билан шуғулланиш ниятини билдирган 357 нафар битирувчининг ҳужжатлари, бизнес режалари ўрганиб чиқилмоқда.

Айни пайтда “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган дастур асосида барча ҳудудларда семинарлар ташкил этилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги битирувчиларнинг бизнес режалари ўрганилмоқда, уларга ажратилиши режалаштирилаётган маблағлар миқдори шакллантирилмоқда. Ёшларимизнинг мустақил ҳаётда ўз йўлларини топишида муҳим аҳамият касб

(Давоми 2-бетда).

### Бир рақам шарҳи

***2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилинадиган хориж инвестициялари ҳажми*** **3 миллиард АҚШ долларидан ортади.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

*Бунинг ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, инфратузилмани такомиллаштириш, янги қувватларни ишга тушириш сингари кўплаб йирик лойиҳалар амалга оширилади.*



# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қирғоқдаги медузалар

***Ўрта ер денгизининг Исроил мамлакатига туташ қирғоқларида медузалар ҳаддан зиёд кўпайиб бормоқда.***



Жумладан, ҳозир ҳудуддаги дам олиш масканларига яқин сув ҳавзаларини шу турдаги денгиз жониворлари қоплаб олган. Уларни, ҳатто, қуруқликда ҳам учратиш мумкин.

Экологлар медузаларнинг бундай жонсараклигига денгиз сувлари ифлосланиши ва балиқлар кўп овланаётгани сабаб бўлганини таъкидлашмоқда.

## Бино қулаб тушди

***Мисрда кўнгилсиз воқеа юз берди.***



Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, пойтахт Қоҳира шаҳрида тураржой биноларидан бири қулаб тушган. Оқибатда етти киши ҳалок бўлган, бир киши тан жароҳати олган. Ҳозирча фалокат сабаблари аниқ эмас.

## Бюджетдаги тақчиллик

***АҚШ молия вазирлиги маълумотларига қараганда, мамлакатда бюджет тақчиллиги бир триллион АҚШ долларига етган.***



Экспертларнинг фикрича, рақамлар бу қадар катта кўринишга келган бўлса-да, мавжуд аҳвол ўтган йилдагидан яхшироқ. Сабаби, 2009 йилнинг дастлабки тўққиз ойи якунларига кўра, бюджет тақчиллиги 7,6 фоизни ташкил этганди.

## Сирли конвертлар

***Чили ташқи ишлар вазирлиги биносида карантин ҳолати эълон қилинди.***



Гап шундаки, мамлакатга хориждан келган мактубларнинг айримларида оқ кукун борлиги аниқланган. Ҳозирда улар текшириш учун махсус муассасага жўнатилган. Шунингдек, хатларга теккан 25 кишининг бинони тарк этишига рухсат берилмаяпти.

Айрим манбаларда конвертлар устида "Сибирь куйдиргиси" деган ёзувлар борлиги айтилмоқда.

## Ташкилотнинг навбатдаги аъзоси

***Европа Иттифоқи иқтисодиёт ва молия вазирлари кенгаши Эстонияни ташкилотга қабул қилишга розилик билдирган.***



Мазкур масала юзасидан ўтказилган йиғилишда Эстония 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб ЕИга аъзо бўлиши билдирилган. Шундан сўнг мамлакатда евро пул бирлиги сифатида муомалага киритилади. Европа Иттифоқи дастлаб ўн бир мамлакат (Австрия, Бельгия, Германия, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия ва Франция) иштирокида ташкил этилган. Кейинчалик унга Греция, Кипр, Мальта ва Словения давлатлари қўшилган.

## Темир йўл соҳасида ҳамкорлик

***Аргентина ва Хитой темир йўл қурилиши соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.***

Ўзаро манфаатли битимлар Аргентина президентининг Хитойга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган. Келишувнинг умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларига тенг. Унга кўра, Хитой мазкур давлатда ўз технологияларини сотиш билан бирга, янги қуриладиган темир йўл ҳамда метрополитен лойиҳаларини молиялаштиради.

Бундан ташқари, расмий Пекин Аргентинага ўз локомотивларини харид қилишни ҳам тавсия этган.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

MIKROKREDITBANK

***Акциядорлик тижорат "Микрокредитбанк"нинг Наманган вилояти бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари мижозларининг аксарияти бугун иқтисодиётимиз таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир. Улар ўз фаолиятлари ривожида банкнинг амалий кўмагини доимо ҳис этиб туришади.***

# ИШОНЧЛИ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

## банк мижозларига манзур бўлмоқда

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 1348 та лойиҳа бўйича мижозларга микромолиявий хизмат кўрсатилиб, 6 миллиард 17 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 42 фоиз кўпдир. Шунинг ҳисобига жойларда яратилган иш ўринлари сони 4716 тага етди. Эришилаётган ютуқларда банк Тошбулоқ бўлимининг ҳиссаси ҳам салмоқли. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерга бирор юмуш билан келган мижознинг, албатта, кўнгли тўлиб қайтади. Банк ходимлари уларга ҳисоб-китобларни юритиш, бошланғич сармоя, айланма маблағларни шакллантиришга мўлжалланган молиявий ёрдамдан мақсадли фойдаланишда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги ва бошқа долзарб масалалар хусусида доимий равишда тушунча бериб боришади.

Асосий фаолиятига қўшимча равишда дурадгорлик хизматини йўлга қўйишга қарор қилган "Илҳомжон Кушанов" хусусий корхонаси раҳбари Шерали Кушанов банкда ўтказилган семинар-машғулотларнинг бирида қатнашганидан сўнг янги бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич сармоя — банк кредитини олиш йўл-йўриқларини обдон билиб олди. Мутахассисларнинг кўмагида талаб этиладиган ҳужжатларни тезлик билан тайёрлаб, кредит бўлимига топширганидан сўнг натижани узоқ кутмади. Уч йилда узиш шарти билан берилган 3,7 миллион сўм маблағ қўлга киритилгач, қисқа фурсатда замонавий устахонани тиклаб, ишга туширди. Унда ҳамқишлоқларидан беш киши меҳнат қилаяпти.

"Мадина Мафтуна Акрам" масъулияти чекланган жамиятига ҳам ўзи хизмат кўрсатаётган ошхона биносини таъмирлаш ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминлаш масаласини ҳал этишда банкнинг молиявий ёрдами қўл келди. Эндиликда 15 миллион сўм кредит эвазига янгиланган умумий овқатланиш шохобчаси мижозлари бу ерда шарт-шароит яхшиланиб, хизмат маданияти ортганидан жуда хурсанд. "Ёғду фарм сервис" МЧЖ, "Рисliқой нуроний" хусусий корхонаси сингари субъектлар банк ажратган маблағ асосида шаклланган бошланғич сармоя кўмагида ўз бизнесларини муваффақиятли йўлга қўйиб олганликларини миннатдорлик билан таъкидлашади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида юқоридаги сингари турли йўналишда бизнес лойиҳасини таклиф этган мижозларга 620,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Айтайлик, бир қатор фермер хўжаликлари банкдан олган 56,1 миллион сўм ҳисобига янги қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишди. Касаначиликни кенгайтириш учун ажратилган 95,3 миллион сўм,

### Молия муассасаларида

чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 45 миллион сўм, қишлоқ жойларида сервис хизматини йўлга қўйишга мўлжалланган 27,6 миллион сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган 23 миллион сўм кредит, айтиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Эътиборлиси, ижросини топган ҳар бир лойиҳа замирида ўнлаб кишиларни муқим иш жойи билан таъминлаш сингари хайрли юмуш турибди.

— Мижознинг микромолиявий ёрдам олиш юзасидан берган буюртмаси узоғи билан бир ҳафтада ниҳоясига етказилади, — дейди банк бошқарувчиси Музаффар Мўминов. — Масалан, биргина жорий йил апрель ойининг ўзида 12 та мижозга шу йўналишдаги микромолиявий хизмат кўрсатилиб, уларга 31,4 миллион сўм миқдорида кредит маблағи берилди. Бундай тартибда иш олиб борилаётгани, ўз навбатида, мижоз ва банк ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаб, ўзаро ишонч юксалишига замин яратаяпти.

Дарҳақиқат, ўзаро ишонч, кафолатли хизматда гап катта. Тумандаги фермер хўжаликларининг кўпчилиги ўз ҳисоб рақамларини мазкур банкда очиб, унинг хизматидан фойдаланаётганларининг боиси ҳам шунда. Пул ўтказиш, бошқа ҳисоб-китоб амалиётларини айтилган муддатда, тезкорлик билан бажарилишидан кўнгиллари тўқ. Пахта, ғаллани экиш, парвариш лаш чоғида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари харид қилиш, техникадан фойдаланиш, иш ҳақи тўлови учун зарур бўлган бўнак пулини вақтида олишаяпти. Масалан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида банк ўз маблағи ҳисобидан 15 та фермер хўжалигига ғалла учун минерал ўғит сотиб олишга 15 миллион сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, 63,7 миллион сўмлик молиявий лизинг ҳисобига техника саройини тўлдириб олган 7 фермернинг ҳам кўнгли чоғ.

Мижозларга қулайлик яратиш, хизматни бевосита уларнинг яшаш манзилларига яқин ҳудудларда ташкил этиш мақсадида банк ходимлари жойларга сафарбар этилаётгани ҳам айни муддао бўлди. Бу, айниқса, деҳқончилик ташвишлари билан доимо банд бўлган фермерларга қўл келаяпти. Таъминотчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонага пул ўтказиш, иш ҳақи учун нақд пул олиш амалиётларини тезкорлик билан амалга ошириб, ҳам вақт, ҳам қўшимча харажатлардан ютишаяпти.

Одатда, банкнинг турдош муассасалар ўртасидаги рейтинги асосан унинг мижозлари сони, хизмат кўрсатиш сифати билан ўлчанади. Шу жиҳатдан олганда, Тошбулоқдаги ушбу молиявий муассаса жамоасининг нуфузи кундан-кунга кўтарилиб бораётганини кузатиш мумкин. Жумладан, биргина 2009 йилнинг ўзида унинг хизматидан фойдаланаётган субъектлар сони 225 тага ортиб, 1100 тага етди.

Молиявий муассасада аҳолига замонавий банк хизмати кўрсатиш, хусусан, бугунги кунда кўпчилик манфаатдорлик билан фойдаланаётган пластик карточкаларни жорий этиш борасида изчил иш олиб борилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу, айниқса, ҳисоб-китобнинг ушбу қулай ва ишончли турини маъқул кўраётган мижозлар сони кўпайиб бораётганида ҳам кўзга ташланади. Ўтган йил бошида банк пластик карточкасидан фойдаланаётганлар атиги 335 кишини ташкил этган эди. Жорий йил беш ойи якунларига кўра, улар сони 887 тага етди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 26 та терминал ўрнатилди. Йил бошидан ҳисоб-китобнинг нақд пулсиз мазкур тури бўйича амалга оширилган амалиётлар 329,3 миллион сўмни ташкил этди.

Наманган тумани аҳолиси илгари фақат деҳқончилик билан шуғулланиб келган бўлса, бугун бу ҳудудда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, хизмат соҳаси ҳам жадал ривож топмоқда. Янги тармоқлар, янги шохобчаларнинг қад ростлашида уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган "Микрокредитбанк" бўлимининг ҳиссаси муносиб эканлиги юқоридаги мисолларда яққол кўриниб турибди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

t

---

### Қулайлик

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ УФҚЛАРИ

***Жомбой туманидаги Бешбола маҳалласига "Самарқандтелеком" корхонаси томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига асосан, республикамизда ишлаб чиқарилган "Коинот Эл-СГМ" русумли электрон рақамли станция ўрнатилди.***

Умумий қиймати 13,2 миллион сўм бўлган ушбу ускуна қишлоқ аҳлини замонавий телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш, интернет тизимидан фойдаланишда катта қулайлик яратади. Дастлаб элликдан ортиқ хонадонга кабель линияларини тортиш учун 2,7 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Электрон рақамли станциянинг яна бир афзаллиги абонентлар талабига қараб сиғимни янада ошириб бориш имкониятининг мавжудлигидир.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Таътил: ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

***Ёзги таътил мавсуми давом этаётган шу кунларда болажонлар сўлим оромгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб, мароқли дам олмоқда.***

Тошкент вилоятидаги мавжуд 12 оромгоҳда болалар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Барча оромгоҳларда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхоналар, турли тўгараклар ташкил қилинган.

### «Ёз – 2010»

Ўқувчиларнинг ҳар бир куни мазмунли ва мароқли ўтиши учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳамда "Ёзни — "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида қизиқарли тадбирлар, интерфаол ўйинлар ташкил этилмоқда.

— "Ёзни — "Камалак" билан" лойиҳаси асосида Ангрен шаҳридаги "Йўлчи", Бўстонлиқ туманидаги "Ҳумо", Паркент туманидаги "Бойчечак", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Меҳржон" каби оромгоҳларда ўтказилган маърифий кечалар, давра суҳбатлари ва фестиваллар болажонларда катта таассурот қолдирди, — дейди "Камалак" болалар ташкилоти Тошкент вилояти бўлими раҳбари Фаррух Маҳмудов. — Ушбу тадбирлар ёшлар қалби ва онгида ватанпарварлик туйғусини мустаҳкам қарор топтириш, уларни ўқиш ва изланишга ундаши билан аҳамиятлидир.

Оромгоҳларда "Энг яхши китобхон", "Энг яхши рассом" каби танловлар, "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир", "Огоҳлик — бурч, ҳушёрлик — масъулият" мавзуларида маърифий дастурлар, мушоиралар ташкил этилмоқда. Таниқли олим, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар болаларга бир олам завқ бағишлаётир.

Паркент туманидаги тоғ бағрида жойлашган "Бойчечак" оромгоҳида мавсумда бир ярим минг нафардан зиёд ўғил-қиз дам олади. Ётоқхоналар, ошхона, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари болажонлар ихтиёрида. Бу ерда иккинчи босқичда 300 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ёшларга — иш ўринлари

Амударё туманида бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркасида тумандаги 45 та корхона ўзидаги мавжуд 135 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган кўплаб ёшлар ўз мутахас-

### Бандлик

сисликлари бўйича ишга жойлашишди.

Эътироф этиш жоизки, туманда шу йилнинг олти ойи давомида 3 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

**А. ҲИДОЯТОВ.**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

## ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

**2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**



**Ер усти транспорт тизимлари; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; касб таълими (ер усти транспорт тизимлари, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, автомобиль йўллари ва аэродромлар бўйича); менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича); электротехника, электромеханика ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича); кўтариш-ташиш йўл ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш ва таъмирлаш; автомобиль йўллари ва аэродромлар; транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича); сервис (транспорт турлари бўйича); ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича); экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича).**

***Ҳужжатлар 2010 йил 20 июлгача қабул қилинади.***

**Институт қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- *ректор номига ариза;*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3,5х4,5 см. ўлчамдаги 6 та рангли фотосурат;*
- *паспорт нусхаси.*

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасининг аслини тақдим этадилар.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ***1 август куни*** ўтказилади. Талабаликка танлов асосида қабул қилиш абитуриентларнинг тест синовларида тўплаган балларига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан ўтказилади.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-19-25, 232-15-24.**









---

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси институтнинг етакчи селекционер олими

**Асилбек МУСТАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Навоий вилояти "Матбуот уйи" собиқ директори

**Улаш НУРМАНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Иқтисодиёт ва сервис кафедраси мудири Баҳодир Омоновга онаси

**Бозор ая НАРГУЧЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ғурур

# «Самарқанд» сайёраси

*Ўн саккиз минг оламда қанча сиру асрор бор,*
*Собиту сайёралар, неча-неча Каҳкашон.*
*Мозий қаъридан келур боболарнинг овози:*
*Тафаккур қанотингдур, юксакка интил, Инсон!*

*Беруний зеҳнияти,*
*Улуғбек тафаккури*
*Очган эди бир пайтлар фалакнинг дарвозасин.*
*Аларнинг кўз ўнгида паст бўлган эди осмон*
*Дунёларга таратиб ўзбекнинг овозасин.*

*Зижи Кўрагонийнинг қаршисида лол қолиб*
*Етти иқлим олими эгган эди бошини,*
*Бутун жаҳон кутарди ҳар тонг музаффар, ғолиб*
*Самарқанддан балқиган тафаккур қуёшини.*

*Бу қуёш сўнгани йўқ, гарчи қора булутлар*
*Неча бора уринди тўсмоқ бўлиб нурини,*
*Неча марта жаҳолат лашкарлари чанг солиб*
*Топтамоқ бўлди халқим орини-ғururини.*

*Бу қуёш сўнгани йўқ ва сўнмагай ҳеч қачон*
*Токи бор юракларда маърифатнинг зиёси,*
*Токи бор Ўзбекистон — тамаддуннинг бешиги,*
*Бир ватанким дунёда топилмагай қиёси.*

*Бугун ҳам боболарнинг елкасида тургандай*
*Аждодларнинг илмидан тафаккури сарбаланд,*
*Янги бир сайёрани кашф этиб набиралар*
*Буюклик шарафига ном қўйдилар “Самарқанд”.*

*Сарҳади йўқ фалакда кезар неча сайёра —*
*Уларнинг орасида —*
*Дилда қўзғаб ифтихор —*
*Хоразмий ва Улуғбек, Ибн Сино, Беруний*
*Буюкларнинг ватани — Ўзбекистон номи бор.*

*Сен, эй навқирон авлод, муносиб бўл уларга,*
*Илм иста ҳар қачон, илм иста ҳар замон.*
*Унутмагин донишманд боболар ҳикматини:*
*Тафаккур қанотингдур, юксакка интил, Инсон!*

**Хуршид ДАВРОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# ОНА ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

## бугун мустақил юртимизнинг довруғини жаҳон узра кенг ёймоқдалар

***Кеча Тошкент халқаро аэропортида футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган XIX жаҳон чемпионатида энг кучли ҳакамлар таркибидан жой олган ҳамюртларимиз Равшан Эрматов ва Рафаэль Илёсовни кенг жамоатчилик зўр шоду хуррамлик билан кутиб олди. Карнай-сурнай ва ҳатто, вувузела садолари остида бошланиб кетган маросим катта қувонч, қайноқ табриклар, дил сўзларига уланиб кетди.***

— Энг аввало, шуни айтишни истардимки, мана шундай улкан имкониятлар яратиб берилган юрт фарзанди эканлигимдан чексиз фахрланаман, — деди мундиалнинг энг кўп учрашувида бош ҳакамлик қилган ватандошимиз. — Бу Президентимиз томонидан мамлакатимизда спортга, хусусан, футболни ривожлантиришга берилаётган юксак даражадаги эътибор шарофатидир. Шу ишончни бундан кейин ҳам оқлашни бурчимиз деб биламиз. Фурсатдан фойдаланиб, чемпионат давомида бизни қўллаб-қувватлаб турган барча мухлисларга, ҳамюртларимга ўз миннатдорчилигимни билдириб, уларни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами билан чин юракдан табриклайман.

— Ҳамкасбимнинг гапларига тўла қўшиламан, — деди таниқли лайнсмен Рафаэль Илёсов. — ФИФА томонидан Ўзбекистон вакилларига билдирилган ишонч, бу мамлакатимиз спортига нисбатан берилган юксак баҳодир. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда ушбу соҳа ривожи йўлида муҳим пойдевор қўйилмоқда. Ишончимиз комилки, келажакда халқаро аренапарда Ватанимиз довруғини янада юқорироқ чўққиларга кўтарадиган ёшларимиз кўп-кўп етишиб чиқади.

Суҳбатимизнинг шу ерида юзларидан нур ёғилиб турган отахон келиб, уларни бирин-кетин бағрига босди ва қуюқ табриклади. Кейин билсак, у киши ушбу маросимда иштирок этиш ниятида узоқ Сурхон воҳасидан атай ташриф буюрибди.

— Кечқурун шу Равшан ўғлимни кўрайин, уни кутиб олишда қатнашайин деб йўлга чиққандим, — дея гап бошлади кекса футбол ихлосманди Самад Чориев. — Ниятим холис экан, азим пойтахтимизнинг аэропортмисан аэропортига тонг саҳарлаб етиб келдим. Равшанбой ва Рафаэлжон билан кўришдим. Улар билан суҳбатлашиб, жаҳон чемпионати ҳавосини туйдим. Илгарилари бундай дамлар қайда эди дейсиз. Дориламон кунларимиздан айланай. Армонларимиз рўёбга чиқди. Яна бир орзуим эса навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиб қайтган миллий терма жамоамиз ва мураббийларимиз билан шу жойда юз кўришишдир.

Эътироф



Буни қарангки, кутиб олувчилар орасида Россиядан келган меҳмонлар ҳам бор экан. Улар ўзбек ҳакамларининг юксак натижаларига ҳавас қилиб, маросимга етиб келишибди.

— Ўзбекистонда спортга бўлган катта эътибор ЖАРдаги жаҳон чемпионатида ҳам ўз ифодасини топди, — дейди улардан бири Елена Томбаиди. — Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси ўзларига топширилган масъулиятли вазифани мукаммал бажардилар. Бу билан ҳамдўстлик мамлакатлари мухлислари ҳам фахрланишди.

Дарҳақиқат, яқиндагина ниҳоясига етган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида ўзбекистонлик Равшан Эрматов ҳамда Рафаэль Илёсов, шунингдек, қардош Қирғизистон вакили Баҳодир Кўчқоров бир жамоа, бир тану бир жон бўлиб, масъулиятли ўйинларни ишонч ва маҳорат билан бошқардилар. Хусусан, ЖАР — Мексика, Англия — Жазоир, Аргентина — Греция, Германия — Аргентина ҳамда Голландия — Уругвай ўртасидаги баҳсларда холисликни бекаму кўст таъминладилар. Бу халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак даражада эътироф этилди. Биргина мисол. Спорт оламининг нуфузли нашрларидан саналган “Спорт-экспресс” газетаси мухбири Игорь Рабинер Жанубий Африка Республикасидан тайёрлаган репортажларидан бирида “Эрматовни Россияга мастер-класс ўтказиш учун таклиф этсак бўлмайдими?” сарлавҳада чиқиш қилди. Унда шундай жумлалар бор эди: “Ёш ва тажрибали ўзбек рефериси яна учта жаҳон чемпионатида иштирок этиш имкониятига эга. У ўзи бошқарган барча учрашувларни деярли хатосиз якунлади. Ўзбек ҳакамии мустаҳкам иродаси, вазминлиги ва холислиги билан МДҲ мамлакатлари ичидан мундиалда иштирок этиш учун таклиф этилган муносиб вакил эканлигини исботлади. У бешта ўйинни маҳорат билан олиб бориш орқали бундан тўрт йил олдин ўтказилган дунё биринчилигида машҳур рефериlar — аргентиналик Элизондо ва мексикалик Арчундия томонидан ўрнатилган рекордларга тенглашиб олди. Шундай экан, Равшан Эрматовни Россияга мастер-класс ўтказиш учун таклиф этсак бўлмайдими?”

Албатта, шундай эътирофлар, самимий муносабатлар ҳар биримизни ғурурлантиради. Шубҳасизки, ҳамюртларимизнинг бу ютуғи мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни ривожлантиришда муҳим омиллардан биридир.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

**Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Маҳалла” жамғармаси ва “Камолот” ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилган “Оналар куйлаганда” деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

## Қадриятлар тараннуми

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари иштирок этиб, онанинг фарзандига меҳри, уни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга интилиши, оила муқаддаслиги каби юксак қадриятлар билан йўғрилган қўшиқларини ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола этишди. Иштирокчилар “алла”, “юз очар”, “айтишув” йўналишлари бўйича ҳайъат ва томошабинлар синовидан ўтишди.

Якунда Нукус шаҳри ижрочилари жамоаси 1-ўрин, Амударё ва Элликқалъа туманлари 2-ўрин, Чимбой ва Тахтакўпир туманлари эса 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Ғолибларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Саҳнада — янги асар

**Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театри жамоаси драматург Муҳаммад Али Эргаш қаламига мансуб “Меҳр ва қаҳр” деб номланган янги саҳна асарини мухлислар ҳукмига ҳавола этди.**

Оила, ҳаёт қувончлари, пок ва нопок одамлар, меҳр-оқибат мавзуи акс эттирилган мазкур асар илк намойишданоқ томошабинларга манзур бўлди. Уни театр режиссёри Зайниддин Омонов ва актёр Анвар Қаршибоев саҳналаштирди. Воқеалар руҳига мос саҳна кўринишларини иқтидорли мусаввир Зокир Қобулов яратди. Ролларни эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Мамедова, актёрлардан Низомиддин Қодиров, Мавлуда Аминова, Гулнора Ризаева, Ҳабибулло Абдуллаев каби санъаткорлар моҳирлик билан ижро этишди.

**С. АБДУРАСУЛОВ.**

# СОҒЛОМ БОЛА — ЮРТ ИҚБОЛИ

***Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли тиббий хизмат сифати тубдан яхшиланиб, даволашнинг замонавий, илғор усуллари қўлланилмоқда. Бу эса аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, хусусан, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказишдек улуғвор вазифани амалга оширишда жуда қўл келаяпти.***

Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази малакали ва ихтисослашган даволаш профилактик ёрдам кўрсатиш масканларидан саналади. Бу ерда 195 та ўрин мавжуд бўлиб, 15 ёшгача бўлган болаларга 25 турдаги мутахассислик бўйича муҳим ва қатнаб даволаниш хизмати кўрсатилмоқда. Марказ таркибида маслаҳат ташхис маркази, реанимация ва тўққизта ёрдамчи бўлим бор.

— Ўз фаолиятини мамлакатимиз Президентининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида олиб бораётган жамоамиз болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи қоидаларини тарғиб этиш борасида яхши натижаларга эришаяпти, — дейди марказ бош врачининг даволаш ишлари бўйича

Тиббиёт



ўринбосари Нодира Бурҳонова. — Масалан, вилоятимизда 16 ёшгача бўлган болалар орасида ногиронлик 2009 йилда 2008 йилдагига қараганда 500 тага камайди. Болалар ўлими ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Бунда уларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиб, соғломлаштириш ишлари олиб борилаётгани яхши натижа бермоқда.

Марказда логопед, сурдолог, юз-жағ соҳаси жарроҳи каби мутахассисларнинг малакаси оширилиб, шу касалликлар бўйича беморларни қабул қилиш ва даволаш ишлари йўлга қўйилди. Натижада юз-жағ жарроҳлигида вилоятда биринчи марта уранопластика, хейлопластика операцияларини болаларнинг бир ойлигидан бошлаб амалга ошириш имкони туғилди. Шунингдек, даволашнинг бир қатор янги усуллари дадил жорий этилмоқда.

— Бир гуруҳ шифокорлар қаторида хорижнинг пешқадам тиббиёт муассасаларидан бирида малака ошириб қайтдим, — дейди Н. Бурҳонова. — Шу жараёнда бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: биз, ўзбекистонлик шифокорларнинг билимимиз, касб маҳоратимиз ўзгаларникидан сира кам эмас. Бу ҳам мамлакатимизда малакали шифокорлар тайёрлаш, аҳоли, жумладан, болалар саломатлиги муҳофазаси борасида қилинаётган ишлар самарасидан яққол далолатдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Андижонлик теннисчилар ютуғи

***Андижон теннис мактаби кортларида бўлиб ўтган мамлакат кубоги финал баҳсида ғолиблар номи аниқланди.***

Айтиш жоизки, катта теннис бўйича ушбу мусобақалар тўққиз йилдан бери мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу кунга қадар республикамизнинг бирорта вилояти теннисчилари пойтахтликларга тенг келолмаётган эди. Андижонлик ракетка усталари ана шу анъанани ўзгартирдилар. Улар ўз гуруҳларидаги Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари жамоаларини доғда қолдириб, финалга йўлланма олдилар. Биллур соврин учун кечган баҳсларда Тошкент вилояти вакиллари устидан 4:1 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритдилар.

Якка баҳсларда ака-ука Исоқовлар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишди. Акмал Исоқов халқаро мусобақалар совриндори, Тошкентнинг биринчи рақамли теннисчиси Рифат Бектяковни, Аброр эса Ботир Сафоевни мағлуб этди. Жуфтлик мусобақаларида ҳам Исоқовлар Бектяков — Сафоев устидан 2:1 ҳисобида ютуққа эришдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳар сафар машғулотларда қатнашиш учун сузиш ҳавзасига келганимда, устозларимнинг: “Сизларга ҳавасим келади, нима орзуларинг бўлса, ушалаяпти. Бизнинг ёшлигимизда бундай мажмуаларни учратиш мушкул эди. Тўғри, шаҳар марказларида, нари борса, битта-иккита спорт иншооти бўларди. Лекин улардаги шароитлар кўнгилдагидек эмасди”, деган сўзлари ёдимга тушади.

# ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Яқин-яқингача қишлоқ жойларида фақат футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка билан шуғулланиш учун имконият мавжуд эди. Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгач, мамлакатимизда юзлаб спорт мажмуалари бунёд этилди. Натижада, ёшларнинг ўзлари истаган спорт тури бўйича машғулотларда қатнашишлари учун шароит яратилди. Масалан, замон талаблари даражасидаги сузиш ҳавзаларини мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам учратиш мумкин.

Изҳор

Маълумки, спортнинг сузиш тури ёш танламайди. Сув танани чиниқтириш, саломатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биргина ўтган йилнинг ўзида Андижон вилоятида 3 та сузиш ҳавзаси мукаммал таъмирдан чиқарилди. “Баркамол авлод йили” дастурига кўра, яна 4 та сузиш ҳавзасини замон талаби даражасига келтириш режалаштирилган. Демак, спортнинг ушбу тури билан шуғулланиш учун янада кенгроқ имконият яратилади.

Устозларимнинг ёрдамида кўплаб халқаро турнирлар, республика чемпионатларида совриндор бўлдим. Яқинда пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон кубогида Динора Мақсудова, Маъмуржон Юнусов, Нодира Шамсуддинова, Собит Амилов, Шоҳсанам Тошпўлатова билан биргаликда 16 та олтин ва 8 та кумуш медални қўлга киритдик. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Ҳаммаси эътибор мевасидир.

Насиб этса, келажакда жаҳон ва қитъа чемпионатларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз довруғига довруғ қўшиш ниятидаман.

**Раъно ОМОНОВА,**
**сузиш бўйича халқаро турнирлар совриндори.**

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
манфаатли
«Соврин плюс капитал» ютуқли омонатини таклиф этади.
Омонатта маблағлар 1 йил муддатта йиллик 14% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишлари мумкин.
Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.
ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

## ОБ-ҲАВО



(15 июль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Кечаси қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.10 1 2 4 5